

Сийрат 190-дарс. Фитнадан олдин амал қилиб қолинг!



19:00 / 24.06.2022 4341

732. Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳали умматлар сизга қарши худди очқўзлар лаганларига ташлангандек ташланадилар ҳам»**, дедилар. «Ўша кунда биз оз бўлганимиз учунми, Эй Аллоҳнинг Расули?» деди бирор. **«Йўқ! У кунда сиз кўп(бўла)сиз, аммо селнинг кўпиги кабисиз. Албатта, Аллоҳ душманларингиз қалбидан сизнинг ҳайбатингизни суғуриб олади ва сизнинг қалбингизга бўшангликни солади»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, бўшанглик нимадир?» деди бирор. **«Дунёнинг муҳаббати ва ўлимни ёқтираслик»**, дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

* * *

733. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Зулматли кеча бўлаклари каби фитнадан олдин амал қилиб қолинг. Унда киши мўмин бўлиб тонг оттириб, кофир бўлиб кун боттиради. Мўмин бўлиб кун боттиради ва кофир бўлиб тонг оттиради. Ўз динини дунё матоҳига сотади».

Муслим ривоят қилган.

(Яъни, мўмин бўла туриб кофирнинг амалини қилади. - Тарж.)

* * *

734. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар бошига бир замон келадики, унда қотил нима учун қатл қилганини ва мақтул нима учун қатл қилинганини англамайди», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

735. Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Одамлар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан яхшилик ҳақида сўрашар эди. Мен ўзимга етиб қолмасин деб хавфсираб, ёмонлик ҳақида сўрар эдим. Шунда у зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз жоҳилиятда ва ёмонликда эдик. Шунда Аллоҳ бизга ушбу яхшиликни келтирди. Ушбу яхшиликдан кейин ёмонлик борми?» дедим. «Ҳа», дедилар. «Ўша ёмонликдан кейин яна яхшилик борми?» дедим. «Ҳа. Унинг тутуни ҳам бор», дедилар. «Унинг тутуни нимадир?» дедим. «Ҳидоятсиз йўл бошлайдиган қавmdir. Улардан (баъзи нарсаларни) ёқтирасан ва (баъзи нарсаларни) инкор қиласан», дедилар. «Ўша яхшиликдан кейин ёмонлик борми?» дедим. «Ҳа, жаҳаннам эшигида турган даъватчилар. Уларга ким ижобат қилса, унинг ичиға отишади», дедилар. «Эй

Аллоҳнинг Расули, уларни бизга сифатлаб беринг», дедим.
«Улар ўзимизнинг қавмдандир, ўзимизнинг тилимизда гапиришади», дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилишимга буюрасиз?» дедим. **«Мусулмонлар жамоасини ва уларнинг имомини лозим тутасан»**, дедилар. «Агар уларнинг жамоаси ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?!» дедим. **«Агар дарахтнинг томирини тишлаб бўлса ҳам ўша фирқаларнинг баридан четда бўл! Сенга ўлим келганда ҳам ўшал ҳолда бўлишга ҳаракат қил!»** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.